
Шахсга зўравонлик қилиш - оғир жиноятдир

2023 йил апрель ойида Ўзбекистонда оилавий зўравонлик, болаларни жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш ва жинсий жиноятлар учун жазоларни кучайтирувчи қонун қабул қилинганди.

Ушбу қонун қабул қилиниши ортидан аёллар ва болаларга нисбатан содир бўлаётган зўравонликларнинг тўлиқ кўриниши намоён бўлиб қолди. Жумладан, биргина 2023 йилнинг ўзида Ўзбекистонда аёлларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқ билан боғлиқ 2638 та жиноят иши ҳамда 10 091 та маъмурий ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқилган. МЖТКнинг 59–2-моддаси (оилавий (маиший) зўравонлик) билан 4343 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 2344 нафарига жарима, 1999 нафарига эса маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган. Жиноят кодексининг 126–1-моддаси (оилавий (маиший) зўравонлик) билан 134 нафар шахс судланиб, уларнинг 51 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 83 нафарига эса озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

2024 йилнинг биринчи чорагида эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-1-моддаси билан шахвоний шилқимлик қилишда айбланган 318 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Қонун ишламоқда. Унинг қабул қилиниши Ўзбекистонда аёлларга ва болаларга нисбатан зўравонлик, шилқимлик қилиш ҳолатлари учун жазо муқаррарлигини кўрсатиб бермоқда.

З.Равшанов

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг судьяси

2024-05-30 07:25:03